


КИЧИК КУТУБХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди Дастурининг 5-илювасига мувофиқ партия тизимида октябрь ойи – «Ўзбек тили ва адабиёти ойлиги» деб эълон қилинган эди. Шунга мувофиқ партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашида кичик кутубхона ташкил қилинди.

Image not found or type unknown



Кутубхонани ташкил қилишда Жўқорғи Кенгес, Халқ депутатлари Нукус шаҳар ва барча туманлар Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар, партия ходимлари ва фаоллари яқиндан ёрдам беришди. Кутубхонада Президент асарлари, илмий ва бадиий китоблар жамланган бўлиб, партиямиз фаоллари дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Image not found or type unknown

